

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАЙРАЕВА ДИЛДОРА АШУРБАЕВНА**

**ПАСТ НАВЛИ ТЮБЕГАТАН КОНИ СИЛЬВИНИТЛАРИНИ  
ФЛОТАЦИОН-ГАЛУРГИК УСУЛИДА БОЙИТИШНИ ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Байраева Дилдора Ашурбаевна**

Паст навли Тюбегатан кони сильвинитларини флотацион-галургик  
узулида бойитишни тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ..... 3

**Байраева Дилдора Ашурбаевна**

Разработка ресурсосберегающей технологии флотационно -  
галургического обогащения низкосортных сильвинитов  
Тюбегатанского месторождения ..... 21

**Bayraeva Dildora Ashurbaevna**

Development of resource-saving technology for flotation-halurgical  
enrichment of low-grade sylvinites of the Tyubegatan deposit ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАЙРАЕВА ДИЛДОРА АШУРБАЕВНА**

**ПАСТ НАВЛИ ТЮБЕГАТАН КОНИ СИЛЬВИНИТЛАРИНИ  
ФЛОТАЦИОН-ГАЛУРГИК УСУЛИДА БОЙИТИШНИ ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Т1053 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эркаев Актам Улашевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий опонентлар:**

**Кучаров Бахром Хайриевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Етақчи ташкилот:**

**Наманган давлат техника университети**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «05» август соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: [ionx@academy.uz](mailto:ionx@academy.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 80 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90.)

Диссертация автореферати 2025 йил «14» июл куни тарқатилди.  
(2025 йил «14» июлдаги № 80 рақамли реестр баённомаси).



**Усанбаев Н.Х.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

**Шукуров Ж.С.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.д., проф.

**Намазов Ш.С.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда кимё саноатини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашё базасини маҳаллийлаштириш масаласи юқори долзарбликка эга. Шу нуқтаи назардан маҳаллий хом ашё манбаларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнларида юқори самарали илғор технологияларни жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасининг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бериши миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис, табиий ресурсларни қазиб олиш, бойитиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнларида атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган экологик тоза технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда калий саноатида паст сифатли табиий ресурслардан юқори сифатли маҳсулотлар олишни таъминлайдиган иқтисодий самарадор технологияларни яратишга қаратилган бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада паст навли сильвинитларни маҳаллий шлам депрессорларидан фойдаланган ҳолда флотациялаш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш, маҳаллий депрессорлари комбинациясининг технологик жараёнга таъсирини ўрганиш ва флотацион калий хлориднинг чангли фракциясини қайта ишлаб сифатли маҳсулот олиш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда фойдали қазилмаларни чуқур қайта ишлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва технологик жараёнларда ресурсларни тежайдиган, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш ва уларни замонавий ва инновацион қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида “Миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, ялпи ички маҳсулотда саноат улушини ошириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга кўпайтириш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиб, Тюбегатан конининг паст навли сильвинитларидан флотацион ва галургик калий хлорид ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон фармони “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>1</sup>ги Фармони, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда сильвинитларни бойитиш, флотацион ва галургик маҳсулотлар олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар кенг таҳлил қилиниб, ушбу соҳадаги муҳим илмий ютуқлар ва ривожланиш тенденциялари ёритилган. Адабиётларда сильвинитларни флотация ва галургик бойитиш усуллари орқали калий хлорид маҳсулотини олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари кенг ёритилган. Жаҳонда Волкова А.В., Миролубов В.Р., Высоцкий Е.А., Баяндина Е.О., Исаева Г.А., Шаститко Т.С., Тетерина Н.Н., Давыдов А.В., Раймонд Вальтер, Цафпыгин Ю.К., Дормешкин О.Б., Воробьев Н.И., Гаврилюк А.Н., Копэнгафер В.К., Томас Х. Нойман, Раулиндо Р. Луна, Робин Ринни ва бошқа бир қатор олимлар томонидан калий маъданларини флотацион бойитиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистоннинг Тюбегатан конидаги сильвинит маъданларини комплекс бойитиш бўйича мамлакатимиз олимлари: Набиев М.Н., Осичкина Р.Г., Тухтаев С., Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Эркаев А.У., Мирзакулов Х.Ч., Самадий М.А., Тоджиев С.М., Усманов И.И., Реймов А.М., Сейтназаров А.Р. ва бошқалар томонидан илмий ишлар олиб борилган. Улар томонидан тадқиқот объекти сифатида асосий таркибий қисми юқори бўлган сильвинит маъданлари танланган, бироқ маҳаллий шлам депрессорларидан фойдаланиш тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтгача Ўзбекистон Республикаси олимларининг ишларида флотация ёки галургик ишлов бериш жараёнлари кўриб чиқилган, аммо калий хлоридни Тюбегатан конининг паст навли калий маъданларини флотация-галургик усул билан бойитиш тўлиқ ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий-талим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИЗ-20170929673 – “Тюбегатан конининг паст навли сильвинитларидан флотацион усулда калий хлорид ишлаб чиқариш технологиясини жадаллаштириш ва такомиллаштириш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги, ҳамда ИЗ-2020002234 – “Қишлоқ хўжалиги” йўналиши бўйича: “Қишлоқ хўжалиги экинлари учун хлорсиз калийли ўғитларни узлуксиз ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2020-2022 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тюбегатан паст навли сильвинит маъданларини маҳаллий флотацион реагентлар иштирокида флотация-галургик усул билан бойитишни физик-кимёвий ва технологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

калий минералларини бойитишнинг флотацион ва/ёки галургик усулларига бағишланган илмий адабиётларни таҳлил қилиш;

шламни тозалашда турли маркадаги депрессорларини биргаликда қўллашда мақбул нисбатни аниқлаш;

флотация жараёнида флотореагентлар таркибининг асосий технологик кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш;

галургия усулида флотацион калий хлорид чангли фракциясини қайта ишлашнинг назарий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш;

модель қурилмаларда шлам депрессорларининг турли хил эритувчиларидан фойдаланган ҳолда флотацион калий хлорид олиш жараёнининг аналитик кўрсаткичларига кириш технологик параметрларининг таъсир қилиш хусусиятини аниқлаш;

$KCl-NaCl-H_2O$  диаграммаси асосида флотацион калий хлорид чанг фракциясини назарий таҳлил қилиш ва технологик омилларнинг ўзгариш диапазонини танлаш;

флотацион маҳсулотнинг чангли фракциясидан кристалл калий хлорид олишнинг оптимал кўрсаткичларига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш;

технологик схемаларни, моддий балансни ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган технологиянинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тюбегатан конининг паст навли сильвинит рудаси, “Деҳқонобод калий заводи” АЖда олинадиган флотацион калий хлориди, натрий хлориди, унинг чангли фракцияси ҳамда флотацион бойитиш жараёнида ҳосил бўладиган шламлар, крахмаллар (маккажўхори ва сечкалар), соапсток, турли маркадаги  $NaKMnO_4$  олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Тюбегатан конининг паст навли сильвинит рудаларини флотацион-галургик усулда маҳаллий депрессорлар ва флотореагентлар композицияларидан фойдаланиб бойитиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда аналитик, графоаналитик, рентгенографик, ИҚ-спектроскопия, электрон микроскопик, дифференциал-термик, ВПЖ вискозиметр, рН-метр ва визуал-политермик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тюбегатан конининг паст навли сильвинитларини флотацион бойитиш самарадорлигига турли маркадаги шлам депрессорларининг таъсири аниқланган;

флотореагентларни системаларини қўллашнинг мақбул шароитлари ва уларнинг жараённинг технологик кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

оқ кристалланган KCl ни юқори даражада ажратиб олишни таъминлайдиган галургия усулида флотацион калий хлориднинг чангли фракциясини қайта ишлашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган;

жараённинг турли босқичларида ишлатиладиган реагентларнинг таркиби ва концентрациясига қараб технологик параметрларнинг ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

биринчи марта KCl-NaCl-H<sub>2</sub>O тизимининг ҳолат диаграммасидан фойдаланган ҳолда чанг фракциясидан юқори тозаликдаги кристалл калий хлорид олиш учун асосланган технологик кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

чанг фракцияларини қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган технологик схема, шу жумладан жараённинг моддий баланси ва техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анъанавий органик реагентлар ўрнига крахмал ва натрий-карбоксиметилцеллюлоза (NaКМЦ)дан фойдаланган ҳолда паст навли сильвинитларни флотацион бойитиш технологияси ишлаб чиқилган.

флотацион маҳсулотнинг чангли фракциясидан кристалл калий хлоридни ажратиб олиш шароитлари аниқланган.

таклиф этилган технологик ечимларнинг самарадорлигини баҳолаш учун “Дехқонобод калий заводи” АЖ базасида тажриба синовлари ўтказилди. Тажрибалар давомида ишлаб чиқаришнинг моддий баланслари тузилди, техник ва иқтисодий ҳисоб-китоблар, технологиянинг самарадорлиги илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари (рентгенографик, дифференциал-термик, электрон-микроскопик, ИҚ-спектроскопик ва визуал-политермик) ёрдамида олинган маълумотлар, шунингдек, лаборатория синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти реакция тизимдаги компонентларнинг ўзаро таъсир механизми ва кетма-кетлигини илмий асослаш, технологик жараён параметрларини бошқариш, шунингдек, турли марқадаги NaКМЦ ёрдамида калий хлоридни флотацион ажратиб олиш жараёнининг асосий илмий қонуниятларини аниқлаш ва тизимлаштириш билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот доирасида амалий жиҳатдан муҳим йўналиш бўлган флотацион калий хлориднинг чангли фракциясидан оқ кристалли KCl олиш имкониятлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паст навли сильвинитлардан флотация усулида олинган калий хлориднинг чангли фракциясидан маҳаллий флотореагентларни қўллаб, йирик кристалли юқори сифатли калий хлорид олиш технологияси йўлга қўйилади. Бу нафақат импорт қилинадиган флотореагентлар ўрнини босиш, балки бир вақтнинг ўзида экспортга

йўналтирилган сифатли калий хлорид ишлаб чиқариш имконини беради ва натижада, маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тюбегатан конининг паст навли сильвинит, флотореагентлар ва энергия ресурсларини тежайдиган флотацион-галургия технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кристалли калий хлоридни олиш технологияси “Электрокимё завод” ҚК АЖ да амалиётга жорий этилган (“Электрокимё завод” ҚК АЖнинг 2024 йил 29 майдаги 57-сонли маълумотномаси). Натижада, хлорсиз калий тузларини ишлаб чиқариш учун хом ашё олиш имконини беради;

калий рудасини флотация бойитиш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ихтирога патент олинган (IAP № 06164.11.02.2020). Натижада флотацион калий хлоридни олишда NaKMЦ ни маҳаллий депрессор сифатида ишлатиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та Республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та ЎЗР патенти олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотни ўтказишнинг долзарблиги ва зарурати, ўтказилган тадқиқотларнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, шунингдек диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ва усуллари ҳам шакллантирилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, шунингдек илмий, амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва нашр этилиши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **Биринчи бобида** паст навли сильвинитларни бойитиш технологиясини такомиллаштириш, хом ашё базасини кенгайтириш ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида калийни қўллаш таҳлили ҳамда сильвинитларни бойитишда флотацион реагентлардан фойдаланиш муаммоларининг турли жиҳатлари кўриб чиқилган. Адабиётлар таҳлили Тюбегатан конидан сильвинитларни флотация-галургик бойитиш учун ресурсларни тежайдиган технологияни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектлари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг таркиби ва хусусиятлари, тажрибалар ўтказиш усуллари, шунингдек синтез қилинган маҳсулотларни кимёвий таҳлил қилиш ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари, ҳам ашё ва маҳсулотларнинг физик-кимёвий хусусиятлари хақида маълумотлар келтирилган ва ўрганилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий депрессорларнинг флотацияда калий тузларига таъсирини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида турли маркадаги карбоксиметилцеллюлозанинг физик-кимёвий ва реологик хусусиятларини ўрганиш натижалари ва уларнинг флотация жараёни пайтида калий хлоридни чиқишига депрессорни ва депрессор аралашмаларининг флотация жараёнига таъсири; экспорт маҳсулотлари терпен ёғи, суюқ парафинни эфиральдегид фракция пиролиз дистиллятига алмаштириб тайёрланган флотореагентлар композициясини кўпириш, кўпик барқарорлиги ва уларни крим зонали паст навли  $>1.6 <1\text{мм}$  сильвинитни бойитиш жараёнига таъсири; шунингдек, галургик усулда флотация маҳсулотининг чанг фракциясидан оқ калий хлорид кристалларини олиш жараёнини  $\text{NaCl-KCl-H}_2\text{O}$  диаграммасида таҳлили галургик калий хлорид ишлаб чиқариш жараёнига технологик омилларнинг таъсири; оралик суспензияларнинг реологик хусусиятлари келтирилган.

Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш учун катта миқдордаги ҳам ашё керак. Ўзбекистон Республикасида бундай ҳам ашё Тубегатан конининг сильвинитлари ҳисобланади. Модификатор ёрдамида концентратга  $\text{KCl}$  нинг энг кўп миқдорда экстракция бўлиши учун аминнинг шламларда сорбциялаш даражасини камайтирганда эришилади. Сорбциялаш жараёни тадқиқоти ва флотация тажрибалари натижаларини таққослашдан келиб чиқадики, 25-30%  $\text{KCl}$  ва 4% э.қ. дан иборат сильвинитларни бойитишда, йиғич 100 г/т, карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) модификатори 500-800 г/т, яъни глиनावий-карбонатли шлам жиҳатидан 2,5 мг/г амин 15-20 мг/г модификаторга сарф бўлади. Аминнинг бу миқдори модификатор сиртини қайта ишлаш пайтида 20-30 % ва шламларда деярли бутунлай сўрилади.

Дехқонобод калийли ўғитлар заводида ҳозирги технологияга мувофиқ флотация жараёни заррача ҳажми 1 мм дан кам бўлган фракциялар билан амалга оширилади. Шу сабабли флотацияланган калий хлоридни совутиш босқичида чангни бостирувчи реактив-саноат мойи И-40 ёки гидравлик мойи Rando HD-46 тайёр маҳсулотга нисбатан 2,5 кг/т миқдорида, шунингдек, силжишга қарши реактив-амин  $\text{C}_{16} - \text{C}_{18}$  тайёр маҳсулотга нисбатан 0,25 кг/т миқдорида юқори чангланиш ва қаттиқ массаларга айланишининг олдини олиш мақсадида ишлатилади.

Калий хлоридни йирик заррача флотацион бойитиш жараёни ёрдамида юқори сифатли тозаланган калий хлоридни олиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида чанг бостиргич ва қаттиқ массаларга айланишини олдини олувчи модданинг сарфини камайтириш усули қўлланилди.

Шлам модификаторларининг куйидаги маркалари ишлатилган (1-жадвал).

1-жадвал

**25°C хароратда синовдан ўтган шлам модификаторларининг реологик хусусиятлари**

Намуна рақамлари ва маркалари												
КМЦ турлари											Крахмал (гуруч)	Крахмал (жўхори)
Қовушқоқ-лик, мм <sup>2</sup> /сек	№1	№2	№3	CELL HV	PAC HV 85%	PAC LV № 21	PAC LV	CMC HV	CMC LV	Na КМЦ		
	3.450	3.362	4.802	89.60	1022.0	14.72	14.99	78.43	32.77	5.368	1.308	2.627
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	1.002	1.006	1.003	1.003	1.049	1.002	1.003	1.005	1.005	1.000	1.000	1.025

Сильвинит маъданларини лаборатория шароитида турли маргадаги NaКМЦ асосидаги депрессор реагент ёрдамида бойитиш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказилди. Карбоксиметилцеллюлоза – NaКМЦ натрий тузининг 0,5-1,0% эритмасидан 600-1200 полимерланиш даражаси билан 60-80 г миқдорида 1 тонна бойитилган дастлабки сильвинитни депрессор реагенти сифатида ишлатиш куйидаги афзалликларни беради:

- депрессор реактивининг кам истеъмоли – 60-160 г/т маъдан;
- узоқ муддатли сақлаш вақтида эритманинг барқарорлигини ошириш;
- крахмални ишлатишдан кўра маъдан таркибидаги темир ва магний хлоридларининг кўпайиши билан янада самарали таъсир;
- тўқимачилик саноати чиқиндилари утилизация қилинмоқда;
- харажатлар маълум усулга нисбатан 1,8 баравар камаяди.

Юқорида ўрганилган депрессорларга асосланиб, флотация жараёнига 1-жадвалда крахмал (№12) ва NaКМЦ (№10) ижобий таъсир кўрсатади.

2,5% крахмал эритмасининг 1% га нисбати 3,6:1 дан 1:4,8 гача сақлаб турилади ва флотация жараёнининг қолган шартлари ўзгартирилмади: маъдан - шламсизлантирилган (1>) - 400 г масса улуши %: 29 – KCl, 1,66 - э.к.; 1200 г - зичлиги 1,235 г/см<sup>3</sup> бўлган сильвинитнинг туйинган эритмаси; йиғич - 1,8 г. Таркибий қисмларнинг янада кўпайиши калий хлорид чиқишини пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга асосланиб, танланган депрессор аралашмаларининг фаоллик доирасини аниқлаш мумкин:

- 1 мл (крахмал): 1 мл (NaКМЦ) нисбатда (62,5 г:25 г)  
10 ≥ 1 ≥ 2 ≥ 6 ≥ 3 ≥ 4 ≥ 5;
- 2 мл (крахмал): 1 мл (NaКМЦ) нисбатда (125 г:25 г)  
10 ≥ 1 ≥ 2 ≥ 3 ≥ 5 ≥ 6 ≥ 4;
- 2,8 мл (крахмал): 1 мл (NaКМЦ) нисбатда (175 г:25 г)  
2 ≥ 10 ≥ 3 ≥ 4 ≥ 6 ≥ 5.

Олинган қиёсий маълумотлардан келиб чиқадики, NaKMЦ нинг 10, 1 ва 2 намуналари энг яхши натижани кўрсатади.

Амалдаги сильвинит маъдани 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Сильвинит маъданининг масса улушларида гранулометриқ таркиби

Заррачалар ўлчами, мм	<1,60 ÷ >1,25	<1,25 ÷ >1,00	<1,00 ÷ >0,50	<0,50 ÷ >0,10	<0,10
Заррачалар таркиби, масса улуши, %	22,5	22,08	21,4	22,92	11,1

Қатламларда сувда эримайдиган қолдиқ (э.қ.) ва калий хлорид ўртасидаги муносабатни аниқлаш учун маъданнинг фракция таркибини унинг кимёвий таркибига таъсири ўрганилди. Шу мақсадда маълум ўртача концентрацияли майдаланган маъдан заррачалари куйидаги диаметрли фракцияларга бўлинган, мм: 1,60>1,25; 1,25>1,00; 1,00>0,50; 0,50>0,10; <0,10.

Фракция таркиби, Қ:С нисбати ва тиндириш давомийлиги шламсизлантириш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Қ:С нисбатининг 1:2 дан 1:4 гача ортиши шламсизлантириш даражасини 2% га оширади ва нисбатнинг яна ортишига сезиларли таъсир қилмайди яъни шламсизлантириш даражаси 1,5% дан ошмайди. Ушбу кўрсаткич бошқа фракцияларда ҳам сақланиб қолади ва чўктириш давомийлигига боғлиқ. Чўктириш давомийлиги 0,5 дан 1,0 дақиқагача ортганда шламсизлантириш даражаси ҳам ортади ва янада 0,5 дақиқага оширилганда эса шламсизлантириш даражасининг 11,7% дан кескин пасайишига олиб келади (худди шу шароитда, Қ:С = 1:4, фракция <1,25 >1,0).

Шламсизлантириш даражаси бир хил шароитда (Қ:С = 1:4, вақт 1 дақ) ўртача фракциялар ўлчами <1,25>1,0 дан <1,0 >1,25 гача бўлганда бу кўрсаткич 11,4% га пасайиб кетади. Шундай қилиб, шламсизлантириш учун мақбул технологик шароитлар куйидагича: Қ:С қисмининг нисбати 1:4, давомийлиги  $\tau$  – 1,0 дақиқа ва фракция ўлчами <1,25 >1,0.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ корхонаси калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган флотацион реагентларни чет эл валютасида сотиб олади, бу эса маҳсулот таннархининг ортишига олиб келади.


Импорт қилинадиган флотореагентлар ўрнига маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда флотацион реагентлар ишлаб чиқариш калийли ўғитлар таннархини пасайтириши ва фойда келтириши мумкин.

Паст навли сильвинитдан калий хлоридни олиш жараёнида ишлатиладиган флотореагентлар терпен мойи ва суюқ парафинни лаборатория шароитида маҳаллий хом ашёлар асосида олинган янги флотацион реагентлар эфиральдегид фракцияси ва пиролиз дистилляти билан алмаштириш ва таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди.

Шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан олинган Ф-1 – Ф-8 флотацион реагентларнинг композициялари тайёрланди ва уларнинг кўпикланиш даражаси, флотацион қобилятлари (3-жадвал) ва кўпикнинг сўниш кинетикаси (1-расм) ўрганилди.

**Маҳаллий компонентлар кўшилган флотацион реагентлар  
композицияларининг таркиби**

Компонентларнинг номи		Композициялар маркалари, нис.%							
		Ф-1	Ф-2	Ф-3	Ф-4	Ф-5	Ф-6	Ф-7	Ф-8
Кўпик ҳосил қилувчи	Терпен ёғи	100	50	-	-	100	50	-	-
	Эфиральдегид фракцияси	-	50	100	100+50	-	50	100	100
Кўпик кучайтирувчи	Суюқ парафин	100	100	100	100	50	50	-	-
	Пиролиз дистилляти	-	-	-	-	50	50	100	100+50



**1-расм. Маҳаллий флотареагентлар композицияларининг  
кўпикни сўндириш кинетикаси**

Тажрибалар натижаларидан кўриниб турибдики, Ф-4, Ф-6 ва Ф-8 флотацион реагентлари энг юқори кўпикланиш тезлигини кўрсатди. Ушбу намунада кўпик барқарорлиги 0,8-10 мм/дақ. Дифференциал эгри чизиғида кўрсатилгандек (1-расм, а) кўпик сўниш минимуми 5 ва 10 дақиқадан сўнг Ф-4, Ф-8 ва Ф-6 намуналарида навбати билан кузатилади (1-расм, б).

Флотациядан олдин шламсизлантиришнинг биринчи ва иккинчи босқичлари бирлаштирилиб, флотация машинасининг остига аралаштириш учун қуйилади, сўнгра ўз оқим кучи билан флотацияга юборилади. Флотация машинасининг аралаштириш идишига шлам депрессори, асосий флотацион бойитиш бўлимига сильвин йиғгичи қўшилади. Аралаштириш вақти 3 дақиқа давом этади. Олинган суспензия филтрланди ва концентрат суюқ қисмдан ажратилди. Концентрат қуритилиб, ҳосилдорлиги аниқланди. Микроскопик таҳлил гранулаларнинг микро тузилиши билан белгиланадиган сифатини баҳолаш учун муҳимдир.

Қаттиқ моддалар одатда алоҳида майда кристаллардан иборат бўлиб, улар ҳосил бўлиши ёки совутиш ва қуритиш пайтида кристалланиш жараёнида бирлашади ва баъзи ҳолларда улар ингичка кристалли


моддаларнинг ингичка қатламлари билан ёпиштирилади. Қаттиқ жисмнинг тўғри тузилишининг бундай оғишлари, микросиниқлар сингари кейинчалик бузилишга олиб келади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқадики, импорт қилинган флотацион реагентлар суюқ парафин ва терпен мойи маҳаллий материаллардан флотацион реагентлар билан камида 50% алмаштирилиши мумкин, ҳатто заррача диаметри  $>1 <1,25$  мм бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун флотацион реагент режимини танлаш мумкин.


Калий саноатининг асосий маҳсулоти калий хлорид бўлиб, унинг тахминан 95% ўғит сифатида ишлатилади ва қолган 5% бошқа калий бирикмаларига қайта ишланади - KOH, KClO<sub>3</sub>, K<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>, KNO<sub>3</sub>, KCN ва бошқалар кўплаб соҳаларда қўлланилади: шиша, парфюмерия, бўёк, консерва, чарм, фармацевтика ва ҳоказо. “Дехқонобод калий заводи” АЖда қуритилгандан кейин ҳосил бўлган чанг фракциясидан кристалли калий хлоридни галургик усулда олиш жараёни ўрганилди.



Element	Line	Mass%	Atom%
O	K	2.41±0.01	5.27±0.02
Na	K	4.12±0.01	6.27±0.01
Mg	K	0.22±0.00	0.31±0.01
Si	K	0.23±0.00	0.28±0.01
Cl	K	49.81±0.04	49.18±0.04
K	K	42.78±0.05	38.30±0.05
Ca	K	0.44±0.01	0.38±0.01
<b>Total</b>	K	100.00	100.00



**2-расм. Флотацион калий хлориднинг чанг фракциясининг энергия дисперс спектори ва элементар таркиби (X50 µm да)**




### 3-расм. Рентгенограмма буйича флотацион калий хлориднинг чанг фракциясининг минералогик ва элементар таркиби

Чанг фракциясининг энергия дисперс спектри ва рентген тасвирлари 2 ва 3-расмларда кўрсатилган. Расмдан кўришиб турибдики, Na, Mg, Si ва Ca нинг масса таркиби мос равишда 4,12; 0,22; 0,23 ва 0,44% ни ташкил қилади.

KCl-NaCl-H<sub>2</sub>O тизимидаги 25°C ва 100°C да эрувчанлик изотермаси 4-расмда кўрсатилган, бу ерда маҳсулотлар асосан сільвин (91,6%) ва галит (8,4%) минералларидан иборат эканлигини кўриш мумкин.

(E<sub>100</sub>) тизимнинг фигуратив нуқтаси 100°C ҳароратдаги эвтоник эритмани совутиш пайтида KCl кристалланиш майдонига мос келади. Бинобарин, NaCl ва KCl билан тўйинган эритмани совутганда, KCl чўкмага тушади ва эритманинг таркиби bE<sub>25</sub> калий хлорид билан тўйинганлик эгри чизиғи бўйлаб b дан E<sub>100</sub> гача ўзгаради.



4-расм.  
KCl-NaCl-H<sub>2</sub>O  
tizimidaagi  
politermik  
eruvchanlik  
diagrammasi

$A_2$  нуктада дастлабки чанг фракциясининг конденсацияланмаган оралик махсулот (КОМ) нуктаси жойлашган. КОМ эриш чизиғининг  $AA_n$  калий хлориднинг тўйинганлик эгри чизиғи  $aE_{100}$  билан кесишиши билан фигуратив нукта  $n_n^2$  аниқланади.

Уч турдаги эритувчилар билан эритишнинг учта вариантыни кўриб чиқамиз: сув; N нуктада жойлашган эвтоник эритма билан сув аралашмаси  $E_{25}$  1:1 нисбатда ва эвтоник эритма  $E_{25}$ . Эритиш жараёни дастлаб тоза сув ёрдамида амалга оширилади.  $m_{суб}$  сувининг миқдори  $m_{суб}/m_{НПП}$  нисбати билан белгиланади, бу КОМ кесишмалари ( $A_n n_n^n$ ) ва сув  $An_n^n$  ( $A_n n_n^n / An_n^n$ ) нисбатига тенг.

Агар КСl чўкмаси ажратилгандан сўнг, « $m_n^n$ » эритмаси яна  $100^\circ\text{C}$  га қадар қиздирилса, у жуда тўйинмаган КСl ва фақат озгина тўйинмаган NaCl бўлиб чиқади. Агар бу иссиқ эритма ( $m_n^n$  нуктаси) билан конденсацияланмаган оралик махсулотга (КОМ) чанг фракцияси ( $A_2$  нуктаси) билан ишлов берилса, асосан КСl эрийди. Аралашманинг нуктаси  $aE_{100}$  чизиғида жойлашган. Бундай аралашмани совутганда ( $25^\circ\text{C}$  гача) эритма  $m_n^n$  ва қаттиқ КСl бўлиш керак. Бу ҳолат  $AA_n$  чизиқлари ва  $aE_{100}$  тўйинганлик эгри чизиғининг кесишмасида ётган  $n_n^n$  таркибининг аралашмасига тўғри келади. КОМ ни тўлиқ эритиш учун шундай миқдордаги (эритувчи; A, N ва  $E_{25}$ ) эритмаси, айланма эритма (АЭ) ва КОМ (АЭ: КОМ) нисбати  $A_2 n_n^2 : n_n^2 A$  нисбатга тенг бўлиши керак.

Ҳосил бўлган тозаланган эритма 30 дақиқа давомида цилиндрик кристаллизаторда  $30^\circ\text{C}$  ҳароратда совутилди, натижада кристалл калий хлорид билан бир қаторда калий ва натрий хлорид эритмасининг аралаш ҳолда суспензияси пайдо бўлди; калий хлорид кристаллари 5% ли айланма эритма билан центрифуга ёрдамида сув билан ювиб ажратиб олинди. 4% намлик билан олинган калий хлорид кристаллари лаборатория қуригичида  $90-105^\circ\text{C}$  ҳароратда қуритилди. Натижада тайёр махсулот қуйидаги таркиб билан олинди, %: КСl–98,5; NaCl–0,5; э.қ–0,01; хом ашёдан КСl олиш даражаси билан – 80%, фракциялар ўлчами - 0,2 мм, (2-8 тажрибаларида чангли фракция ҳам ишлатилган).

Ушбу технологияга кўра, циклон чангини қуритиш ва совутишдан кейин майда дисперс калий хлорид сифатида ишлатиш мумкин, шунингдек 0,2 мм флотацион концентратларни ҳам майда кристалли махсулот сифатида ишлатиш мумкин.


Ишлаб чиқиладиган технологияга кўра, эримайдиган қисмни ажратиш ва совутилган суспензиядан калий хлорид кристалларини центрифугалашдан кейин олинган суюқлик фазани майда дисперс махсулотнинг янги қисмини эритиш учун айланма иссиқ суюқлик сифатида жараённинг бошига юборилади.

Тавсия этилган усулга мувофиқ, майда дисперсли махсулотни иссиқ ( $80-105^\circ\text{C}$ ) суюқликда эритиш натижасида олинган суспензия эримайдиган қисмни ажратиш учун филтрланади.

Фильтрда калий хлорид кристалларини ажратишда нам концентратдаги суюқ фаза миқдори 10-15% дан ортади, бундай нам маҳсулотни қуритганда тайёр маҳсулотдаги натрий хлорид миқдори 1,5% дан ва маҳсулотнинг намлиги 4% дан ошмаслиги учун центрифугадан фойдаланиш тавсия этилади, маҳсулот таркибида натрий хлорид миқдорини 1% дан оширмаслик керак.

Ускуналар, аралаштириш мосламалари ва насосларни танлаш бўйича технологик жараёнларни амалга ошириш учун флотация пайтида суспензиялар ва қалин кўпикли концентратларнинг реологик хусусиятларини ўрганиш зарур ҳисобланади.

Шу мақсадда суспензияларнинг қовушқоқлиги ва зичлиги маълум ҳарорат ва концентрация оралиқларида концентрат ва тўйинган эритманинг турли нисбатларида ўрганилди (5-расм).



**5-расм. Қ:С нинг турли нисбатларида қовушқоқлик ва ҳароратнинг ўзгариши.  $C_{K2O}=49\%$ ,  $C_{K2O}=59\%$ . Қ:С: 1:1; 1:1,5; 1:2; 1:2,5**

Қ:С нисбати 1:2,5 дан 1:1,5 гача 20°C ҳароратдан ортиши билан қовушқоқлик 10,04 дан 12,14 м<sup>2</sup>/с гача ортади. Кейинги натижалар ушбу кўрсаткичнинг кескин ўсишини кўрсатди. Анологик боғлиқлик 30°C ва 40°C ҳароратда кузатилади.

Қ:С = 1:1,5 ва ҳарорат 20°C дан 40°C гача ўзгарганда, қовушқоқлик 2,83 марта камаяди.

Қ:С = 1:2 ва 1:2,5 бўлганида эса бу кўрсаткич мос равишда 2,75 ва 2,95 марта камаяди. Ушбу боғлиқликлар қуйилма концентрациясининг ортиши билан сақланиб қолади.

Ўтказилган тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, Қ:С = 1:1,5; 1:2 ва 20-30°C ҳароратда қуйқаларни технологик нуктаи назардан ҳаракатчан мавжуд қурилмаларда узатиш мумкин.

Заводнинг марказий лабораториясида олинган натижаларга кўра, бир тонна сильвинит учун 250г крахмал ёрдамида 74,13% КСl бўлган 87,71г дастлабки КЕК концентрати олинган.

Бир тонна сильвинит учун 80 ва 60г 75/400 NaКМЦ дан фойдаланганда 81,22 ва 79,3г таркибида 91,06 ва 90,27% КСl бўлган дастлабки КЕК концентратлари олинади, мос равишда 92г КСl бўлган 400г хом ашёда 23,05% КСl ҳосил бўлади.

Олинган натижалар заводнинг марказий лабораториясида қайта таҳлил қилинди. Юқоридаги натижалар ва хулосаларга асосланиб, ишлаб чиқариш шароитида бир тонна сильвинит учун 0,8% NaКМЦ 75/400 навидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Дехқонобод калий заводи**” АЖ марказий лабораторияси модел қурилмасида **NaКМЦ депрессор реагенти**ни синовдан ўтказиш ва оқ кристалли калий хлорид ишлаб чиқариш технологияси” деб номланиб, унда “Дехқонобод калий заводи” АЖ да таклиф этилаётган NaКМЦ депрессор реактиви ва крахмални саноат миқёсида синовдан ўтказиш натижалари, флотацион воситани тайёрлаш бўйича тавсиялар, флотацион маҳсулотнинг чанг фракциясидан галургик усулда кристалли калий хлорид олишнинг технологик принципиал схемаси, флотацион-галургик бойитиш усули технологик схемаси ва ушбу технологияни амалга ошириш рентабеллигининг техник-иқтисодий асослари келтирилган.

6-расмда паст навли сильвинитларни флотацион-галургик усулда бойитишнинг принципиал технологик схемаси кўрсатилган.

Таклиф этилаётган схемани қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:


1. Хом ашёни <1,60 >0,1 гача майдалаш ва гидравлик шламсизлантириш (1, 2 позиция);

2. NaКМЦ ва крахмалдан депрессор шламини тайёрлаш, қолдиқ шламни изоляция қилиш (3, 4 позиция);

3. Маҳаллий хом ашёдан флотацион реагентларнинг композицияларини, калий хлорид ва галит чиқиндиларининг <1,60 фракциясини флотацияга ажратиб олишга тайёрлаш (5, 6 ва 7-позициялар);

4. Флотацион концентратни 2 фракцияда қуриштириш ва таснифлаш: <1,60 ва <0,75; ўлчамлари <1,60 бўлган катта кристалли флотацион калий хлорид >0,75 (8-позиция); галургия босқичига юборилган <0,75 кичик қисми.

5. Оқ кристалли калий хлорид ишлаб чиқаришда <0,75 майда фракцияни галургик қайта ишлашда ишлатилган эритма дастлабки концентратни ювиш босқичига юборилади (9-позиция).



**6-расм. Паст навли сильвинитларни флотацион-галургик усул билан бойитишнинг асосий технологик схемаси**

“Дехқонобод калий заводи” АЖ марказий лабораториясининг модел ускунасида маҳаллий депрессорлардан фойдаланиш ва флотацион калий хлориднинг чанг фракциясидан оқ кристалли калий хлорид ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик омиллари аниқланди. Паст навли сильвинитларни бойитиш учун флотацион-галургик усулнинг технологик схемаси тавсия этилди.

NaKMЦ -75/400 ни крахмални ўрнига фойдаланилса 1т маҳсулотга нисбатан 30 357 сўм иқтисод қилинади. Йиллик иқтисодий самарадорлик: 10 564 236 000 сўм.

Шундай қилиб, крахмални NaKMЦ -75/400 билан алмаштириш қуйидаги афзалликларга эга: буғ сарфи 1т маҳсулотга нисбатан 2.5 кг га, сув сарфи эса 0,01128 м<sup>3</sup> га камаяди; депрессор реагентини тайёрлаш жараён давомийлиги 5-6 баробар қисқаради; технология жорий қилинса йиллик иқтисодий самарадорлик 10 564 236 000 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

Мазкур диссертация доирасида бажарилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги умумлаштирилган хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Калийли ўғитларнинг ахамияти, калийли хом ашёни бойитиш усуллари ва флотореагентларнинг флотацияга таъсири бўйича шарҳ амалга оширилди. Сильвинитни йирик донали бойитиш жараёни ўрганилди ва Тюбегатан конининг паст навли рудаларини флотацион-галургик қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди, бу янги реагентларни таклиф қилиш ва оқ кристалли калий хлорид олишнинг комбинацияланган технологиясини ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Маҳаллий депрессор реагентлар - майдаланган гуруч, маккажўхори крахмали ва КМЦнинг турли намуналари (шу жумладан NaКМЦ, CELL HV, PAC HV 85%, PAC LV ва бошқалар) нинг оптимал дозалари уларнинг реологик хусусиятлари ва калий хлоридни ажратиб олишга таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Қовушқоқлиги  $89 \text{ мм}^2/\text{с}$  дан кам бўлган модификаторлар (масалан, CELL HV ва PAC HV 85%) энг паст самарадорликни кўрсатди (77,5-78,4%). Қолган намуналар калий хлорид унумини 81,3-86,3% оралиғида бўлишини таъминлади.

3. Маҳаллий хом ашёлардан флотореагентлар танланди ва уларнинг кўпик ҳосил қилиш қобилияти, таклиф этилаётган флотореагентларнинг реологик хусусиятлари ўрганилди ва флотация жараёнида кўпикнинг барқарорлигини оширувчи реагент сифатида нефт ва нефт шламидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

4. Кристалл калий хлорид олишнинг физик-кимёвий параметрларини асослаш  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+ // \text{Cl}^- - \text{H}_2\text{O}$  системасидаги фазавий мувозанатни ўрганишга асосланган бўлиб, бу чанг фракциясини чиқиндисиз флотацион-галургик қайта ишлаш учун илмий асос бўлиб хизмат қилди. Аниқландики, қаттиқ ярим маҳсулот айланма эритмага 1: (3-14) нисбатда ва 5 дақиқа давомида  $100^\circ\text{C}$  гача ҳароратда, кейин 15 дақиқа давомида  $25^\circ\text{C}$  гача совутилганда, намлиги  $\leq 4\%$  бўлган калий хлорид олинади.

5. Ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики, NaКМЦ 75/400 65-80 г/т миқдорда энг яхши натижаларни беради. Таклиф этилган усул калий хлорид унумини 1,7-2 мартага оширади, сув ва реагентлар сарфини камайтиради, маҳсулот сифатини яхшилади ва 1 тоннага қўшимча 100-200кг тоза кристалл KCl олинади.

6. “Деҳқонобод калий заводи” АЖ марказий лабораториясидаги модел қурилмада маҳаллий депрессорларни қўллашнинг мақбул технологик параметрлари аниқланди.

7. Крахмални NaКМЦ-75/400 га алмаштириш қуйидаги афзалликларга эга эканлиги исботланди: 1т маҳсулот учун буғ сарфи 2.5кг га, сув сарфи  $0,01128\text{ м}^3$  га камаяди; депрессор реагентини тайёрлаш жараёни 5-6 марта тезлашади; технология жорий этилганда йиллик иқтисодий самарадорлик 10 564 236 000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БАЙРАЕВА ДИЛДОРА АШУРБАЕВНА**

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ТЕХНОЛОГИИ  
ФЛОТАЦИОННО - ГАЛУРГИЧЕСКОГО ОБОГАЩЕНИЯ  
НИЗКОСОРТНЫХ СИЛЬВИНИТОВ ТЮБЕГАТАНСКОГО  
МЕСТОРОЖДЕНИЯ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.2.PhD/Т1053**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара ([www.iopx.uz](http://www.iopx.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Эркаев Ақтам Улашевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кучаров Бахром Хайриевич**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович**  
доктор технических наук, профессор, академик

**Ведущая организация:** **Наманганский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 при Институте общей и неорганической химии «05» август 2025 г. в 14-<sup>00</sup> часов. Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [iopx@academy.uz](mailto:iopx@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (80-регистрационный номер) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60). факс: (+99871) 262-79-90)

Автореферат диссертации разослан «14» июль 2025 года.  
(протокол № 80 от «14» июль 2025 года).



**Н.Х. Усанбаев**

Председатель научного совета по присуждению  
учёной степени, д.т.н., проф.

**Ж.С. Шукуров**

Учредитель секретарь научного совета по присуждению  
учёной степени, д.т.н., проф.

**Ш.С. Намазов**

Заместитель председателя научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёной степени, д.т.н., проф., академик

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире особую актуальность приобретают вопросы модернизации химической промышленности и локализации сырьевой базы производственных предприятий. С этой точки зрения рациональное использование местных источников сырья и внедрение в производственные процессы высокоэффективных передовых технологий являются одними из важнейших задач. Особенно важно, чтобы номенклатура производимой продукции полностью соответствовала мировым стандартам, так как это служит важным фактором обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. В связи с этим применение экологически чистых технологий, не загрязняющих окружающую среду, в процессах добычи природных ресурсов, обогащения и переработки отходов приобретает особое значение.

В мире проводится ряд научных работ, направленных на создание экономически эффективных технологий в калийной промышленности, обеспечивающих получение высококачественной продукции из низкокачественных природных ресурсов. В этой связи особое внимание уделяется определению оптимальных условий процесса флотации низкосортных сильвинитов с использованием местных шламовых депрессоров, изучению влияния комбинации шламовых депрессоров на технологический процесс и разработке технологий переработки пылевидной фракции флотационного хлорида калия для получения качественной продукции.

В нашей Республике осуществляется широкий комплекс мер по глубокой переработке полезных ископаемых, повышению их эффективности и разработке ресурсосберегающих технологий в технологических процессах, эффективному использованию местного сырья и его современной и инновационной переработке, достигнуты определенные научно-практические результаты. В третьем направлении Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи, такие как “Продолжение промышленной политики, направленной на обеспечение устойчивости национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и увеличение объема промышленного производства в 1,4 раза”. В связи с этим важное значение приобретает разработка технологий производства флотационного и галургического хлорида калия из низкосортных сильвинитов Тюбегатанского месторождения с эффективным использованием местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"<sup>1</sup>, Постановлении от 13 февраля 2021 года №

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28-января 2022 года «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы»

ПП-4992 “О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью”, а также в нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: VII - «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В литературе широко проанализированы научные исследования по обогащению сильвинитов, получению флотационного и галургических продуктов, освещены важнейшие научные достижения и тенденции развития в данной области. В литературных источниках подробно освещены научные работы, посвящённые получению хлорида калия из сильвинитов путём флотационного и галургического обогащения. В мире проведены научно-исследовательские работы по разработке технологий флотационного обогащения калийных руд такими учёными как: Волкова А.В., Миролюбов В.Р., Высоцкий Е.А., Баяндина Е.О., Исаева Г.А., Шаститко Т.С., Тетерина Н.Н., Давыдов А.В., Раймонд Вальтер, Цафпыгин Ю.К., Дормешкин О.Б., Воробьёв Н.И., Гаврилюк А.Н., Копенгафер В.К., Томас Х. Нойман, Раулиндо Р. Луна, Робин Ринни и рядом других учёных.

Комплексные исследования по обогащению сильвинитовых руд Тюбегатанского месторождения в Узбекистане проводили отечественные учёные: Набиев М.Н., Осичкина Р.Г., Тухтаев С., Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Эркаев А.У., Мирзакулов Х.Ч., Самадий М.А., Тоджиев С.М., Усманов И.И., Реймов А.М., Сейтназаров А.Р. и другие. В качестве объекта исследования ими выбирались сильвинитовые руды с высоким содержанием основного компонента, однако отсутствуют сведения использования местных глинистых депрессоров.

Таким образом, в научных трудах учёных Республики Узбекистан до настоящего времени рассматривались процессы флотационной или галургической переработки, однако флотационно-галургическое обогащение низкосортных калийных руд Тюбегатанского месторождения с получением хлорида калия до сих пор полностью не исследовано.

